

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**АТ “Алоқабанк”**

**Бошқарув раисининг  
Ўринбосари**

  
\_\_\_\_\_ **Н.Насретдинова**

2022 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_



**АТ “Алоқабанк” га солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш**

**Энг яхши таклифларни танлаш**

**Буюртмачи: АТ “Алоқабанк”**

Тошкент – 2021 й.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Умумий қоидалар	Мазкур танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Қонуни ва қонуности ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган; <b>Энг яхши таклифларни танлаш</b> – бундан кейин матн “танлаш” сўзи ишлатилади.
Энг яхши таклифларни танлаш предмети	Йил давомида “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонунга асосан солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш нархи 100 000 000 (юз миллион) сўм ҚҚС билан;
Танлаш иштирокчилари	АТ “Алоқабанк” танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй; Ташкилотчи (ташаббускор)нинг мулоқот қилувчи шахс телефон рақами 71-230-77-77 (ички 2225, 2230) Ишчи органнинг телефон рақами: e-mail: <a href="mailto:info@aloqabank.uz">info@aloqabank.uz</a> .
Энг яхши таклифларни Танлаш тили	Танлаш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар узбек ёки рус тилида бўлиши керак.
Иштирокчиларни танлаш таклифи	Иштирокчилар танлаш таклифлари амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан 5 кундан кам бўлмаслиги лозим.
Электрон танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон:	1. Танлаш ҳужжатлари - “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” оператори веб-сайти <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> . орқали электрон қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй. 2. Танлаш таклифлари электрон порталга жойлаштирилган кундан бошлаб 10 кун муддатда қабул қилинади. 3. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар, конкурс ҳужжатларида кўрсатилган талабларни бажарган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин. 5. Иштирокчилар алоқада бўлиш учун Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти билан 71-230-77-77 (ички 2225, 2230) телефон орқали боғланиши мумкин.
Иштирокчилардан талаб этилади	1. “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонунга асосан солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш;

2. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида узликсиз иш стажи – 8 йилдан кам бўлмаслик;

3. Банк ва бошқа кредит ташкилотларида солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш тажрибаси – 8 йилдан кам бўлмаслик;

4. Ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро алоқалар соҳасидаги солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тажрибаси – 8 йилдан кам бўлмаслик;

5. Солиқ масалалари юзасидан вужудга келган муаммоларни солиқ қонунчилиги методологияси нуқтаи назаридан ҳал қилиш;

6. Солиқ қонунчилигига риоя қилиш нуқтаи назаридан назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар жараёнида қўллаб қувватлаш, олдинги даврлар текширилганда ҳам;

7. Танлов ҳужжатлари Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 3016-сонли Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилиш;

8. “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонунга асосан Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги.

9. Иштирокчи ва Буюртмачи ўртасида танлов жараёни даврида низоли (суд) ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

10. Иштирокчи ташкилот ва унинг тасисчилари Мажбурий ижро бюроси порталида қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат. MIB.UZ;

7. Танлов ҳужжатлари Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 3016-сонли Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилиш;

8. “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонунга асосан Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги

Танлаш таклифининг техник ва нарх қисми бўйича баҳолаш.

Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи электрон танлашдан четлатилади.

Танлаш таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахассислар сони, етказиб бериш муддати, иш тажрибаси ва бошқалар) ёки эксперт баҳосидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади;

Балл усулидан фойдаланганда танлаш таклифининг техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймати белгиланиши



мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг танлаш таклифи танлаш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин;

Танлаш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиши мумкин. Бунда танлаш таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон танлашнинг ҳар қандай босқичида четлатилишига олиб келади;

Шартнома суммаси (нарҳи) танлаш таклифи нарх қисмининг ягона мезони ҳисобланади.

Танлаш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Харид комиссияси танлаш ҳужжатларини Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

Танлаш таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

танлаш таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

Танлаш таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;

Танлаш таклифини таъминлаш хажми ва шакли;

Электрон танлашни ўтказиш ҳақида қарор танлаш ҳужжатлари харид комиссияси томонидан электрон овоз бериш орқали келишилади, танлаш ҳужжатлари электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди;

Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек электрон танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон электрон танлаш иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида 7 кун аввал буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади;

Электрон танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон қўшимча равишда буюртмачининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Танлаш таклифини бериш

Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар;

Иштирокчининг танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади;

Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар,

фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин;  
Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак;  
Электрон танлаш иштирокчиси битта лотга фақат битта танлаш таклиф беради.  
Электрон танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Электрон танлашда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги;  
Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;  
Солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;  
Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;  
Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Электрон танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш

Электрон танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлаш ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи танлашни айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.  
Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради;  
Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак;  
Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим;  
Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари



юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади;  
Танлаш таклифи танлаш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади;  
Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади;  
Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади;  
Танлаш ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиланган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

Танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

Танлаш таклифнинг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);  
Танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди;  
Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади;  
Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади;  
Танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг электрон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади;  
Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди;  
Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади;  
Танлов таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон

рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади.

Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда, баённомада қуйидаги ахборот бўлиши керак:

Танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт;

харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлов таклифлари кўриб чиқилган электрон танлов иштирокчилари;

танлов таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлов иштирокчилари;

электрон танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

электрон танлов ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили);

Электрон танлов ўтказиш натижаларига кўра шартнома мазкур белгиланган тартибга мувофиқ тартибда электрон шаклда тузилади, томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ҳамда шартномалар реестрига киритилади.

## НАРХ ҚИСМИ

1. Йил давомида “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонунга асосан солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш нархи 100 000 000 (юз миллион) сўм ҚҚС билан сўм
2. Молиялаштириш манбаси - Акциядорлик тижорат “Алоқа банк”.
3. Буюртмачининг манзили: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
4. Тўлаб бериш валютаси - сўм